

МАРҲАБО

# ҚЎШНИЖОНИМ, АЙЛАНАЙ

*Шеърлар*


Тошкент – 2012

**УДК: 821.512.133-1**  
**КБК: 84(5Ў)6**  
**М29**

**Тақризчилар:**  
**Санъат Маҳмудова,**  
**Зухра Алиева**


**ISBN 978-9943-387-38-6**

**© «Yurist-media markazi» нашриёти, 2012 й.**



## Уйил – олтин кўрғоним

*Бировгамас, ўзимиз учун,  
Синиқ, ярим кўнглимиз учун  
Бир кўрасиз оҳангнинг кучин  
«Тановар»ни ўрганволамиз.*



## УЗУК

Эллик ёшга гўлган кунимда,  
 Совға қилди ўғлим бир узук.  
 Духобали яшил қутида,  
 Миттигина марварид кўзлик.

Бунча нафис, бунча чиройли?!  
 Йиғлавордим суюнганимдан,  
 Нақд уч юз минг санаб бергандир,  
 Ўргилайин болагинамдан.

Бармоғимга қандай ярашди?!  
 Кўрмаганман бундайин бойлик,  
 Уч миллионга эрим обберган,  
 Олмос узукдан ҳам чиройлик.

Кунгирали билагузукни  
 Мерос қолдиргандилар онам,  
 Болам берган узук олдида,  
 Хира тортиб кетди ўша ҳам.

Севинчимдан ўйинга тушдим,  
 Бармоғимга тақволиб уни.  
 «Бахтли кунинг қай кунинг?» деса,  
 Айтар эдим бугунги кунни.

Бирдан дедим: «Содда болам-а,  
 Менга узук олиб нетарди.  
 Рўзғорга сарфласа шу пулни,  
 Қанча ками битиб кетарди.



Тузукмикин еб-ичишлари?  
Музлатгичи тўламидийкин?  
Бирон ками бўлса, узукни  
Келин кўрса нима дерикин?

Хотинига айтмаган бўлса...»  
Шу хижолат қийнарди мени,  
Дадасига дедим: «Келинга  
Кўрсатсамми, кўрсатмасамми?»

Улар айтди: «Келиндан кўрқма.  
Хижолатли не иш қилибсан?  
Боқиб-боқиб, боланг кўлидан  
Битта узук тақсанг тақибсан.

Ундан кўра дуо қил: «Омин!  
Онасини қилган бўлса шод.  
Шу боланинг икки дунёсин,  
Роббим, Ўзинг қилгайсан обод.

Онасига эҳсон қилибди,  
Рўзғоридан, нафсидан юлиб,  
Сарф қилган шу уч юз мингини,  
Қайтариб бер уч миллион қилиб.

Онасини ясатибдими,  
Шу болани Роббим, Ўзинг Сен,  
Пайғамбарлар либоси билан,  
Жаннатингда ясантиргайсан».

«Омин» дедим йиғлаб: «Дадаси.  
Буни қаранг, бу қандай бойлик?!  
Бармоқларим қизлигимда ҳам,  
Бўлмаганди бундай чиройлик».



Қўлларимни силаб, ичимда.  
 Дедим: «Роса қилдингиз хизмат,  
 Эллик йилда, азизаларим,  
 Қутлуғ бўлсин бу буюк иззат.

Уч боланинг тагликларини  
 Ювганингиз учун бу узук,  
 Силаб, сийпаб хизматларини,  
 Қилганингиз учун бу узук.

Ҳаммаларин кўтариб, суяб.  
 Тетапоя қилдирган ҳам сиз,  
 Ош-овқати, кирини қандай.  
 Ювар эдим сиз бўлмасангиз?

Кечалари устиларини  
 Бурним билан ўрармидим-а?  
 Тилим билан кийдирармидим,  
 Пайпоқларин оёқчасига?

Раҳмат, сизга, азизаларим,  
 Ёрдамингиз учун ташаккур!  
 Ҳар бармоқ, ҳар тирноқ, ҳар бўғим,  
 Ҳар кафтингиз учун минг шукур.

Ҳали сизга бу иззатлар кам,  
 Савоб ила борсангиз агар,  
 Тақажаксиз мангу жаннатда  
 Қўш-қўш олтин билагузуклар».

Шу кун гулга айланган эди,  
 Қўлимдаги ажини доғлар,  
 Чунки кўнглим кўчаларида  
 Ёнган эди минглаб чироғлар.



Бир бурчакда ташландиқ ётган  
Кўнглим ўсди, кўнглим яшнади,  
Неданлигин билмадим, аммо...  
Кўлим энди қўлга ўхшади.

## ЖАННАТГА КЕТГАН ГУРУЧ

(Укам Алишернинг уйида бўлган ҳодиса)

Беш минггина қолибди,  
 Чўнтагимдаги пулим  
 «Ошга гуруч келтиринг»,  
 Дейди, уйдаги гулим.

Нексиямнинг мойини,  
 Алмаштириб олсамми?  
 Ё шу пулни уяли  
 Телефонимга солсамми?

Машинамни артётиб,  
 Режа тузаётсам жим,  
 «Беш минг сўм керак эди»,  
 Деб, чиқиб қолди қўшним.

Гапи тугамай пулни  
 Бердим шундоқ қўшнимга  
 «Раҳмат акажон», дея,  
 Босиб олдим бағримга.

Хотин деди: «Ё тавба!» —  
 Тутганча, юрагини,  
 Охирги пулини ҳам  
 Бировга берадимми?

Яна кучоқлаб «Раҳмат!»  
 Деганингиз нимаси?!»  
 Дедим: «Яхши ҳам беш минг  
 Сўрагани, аяси?»





Ўн минг сўраганида,  
Нима қила олардим?  
Шунга суюниб кетдим,  
Хижолатда қолардим.

Мискингина қўшнининг,  
Яраб бир ҳожатига,  
Эришган бўлсак не тонг,  
Аллоҳнинг жаннатига.

Фараз қилинг бугун биз,  
Хазина топиб олдик,  
Беш минг сўмга жаннатга,  
Йўлланма сотиб олдик.

Сўз бор, бир яхшиликка  
Минг яхшилик фарз бўлди,  
Шу бугунги паловга  
Парвардигор «қарз» бўлди\*».

Хотин деди: — Майли-ю,  
Гуруч бўлса яхшийди.  
Уй тўла ўғил бола,  
Уч кунда бир ош ейди.

— Ош бўлмаса шўрва-да,  
Куюнманг, ёзса Худо,  
Шу гуручнинг ошини,  
Жаннатда еймиз, пошшо.

---

\* «Бир-бирларингизга яхшилик қилиш билан Парвардигорингизни қарз қилинг». Оятдан.

## ИХЛОС АҲЛИНИНГ ФАЛСАФАСИ

Сихатгоҳга олиб келдилар,  
Саксон ёшли қари дадани.  
Юрак хаста, тиззалар — қадоқ,  
Оғрир эди тамом бадани.

Шошиб қолди шифокор йигит,  
Муолажа ёзди, албатта.  
Шошади-да, шундай олимни,  
Кўрмоқ ўзи бахт эди катта.

Ҳар соатда оларди хабар,  
Беморидан шифокор йигит.  
Ҳар ишидан топарди ҳикмат.  
Ҳар сўзидан оларди ўғит.

Тунда кўрса хоналарида,  
Тик турдилар инқиллаб бир оз.  
Такбир айтиб, қоматин тиклаб,  
Бошладилар таҳажжуд намоз.

Комил иймон, эътиқод ила,  
Руку, сажда бенуқсон, мумтоз.  
Шу ҳолатда ҳар куни тунда,  
Ўқирдилар юз ракат намоз.

Энди билди шифокор йигит,  
Тиззадаги қадоқлар сирин.  
Аммо, у ёш, қандай тушунсин.  
Оллоҳга боғланмоқ сурурин?



Дўхтир йигит деди ичида:  
«Бемор ҳаддин билиши керак.  
Шундай ёшда шунча меҳнатдан,  
Чарчайди-да ҳар қандай юрак».

У бир куни: «Жон, қоридада,  
Нафл намоз ўқиманг, — деди —  
Жонингизга жабр қиляпсиз.  
Ҳолдан кетиб қоласиз энди.

Фақат фарзни ўқинг, ўтириб».  
Қоридада деди: «Майли-я,  
Мен томондан бундайин куллик,  
Ярашарми Роббим шаънига?

Оддий бошлигингиз олдида,  
«Туринг» деса турасиз сиз ҳам.  
Ва буюрган юмушларини,  
Бажармоқчи бўласиз бекам.

Бир иш берган бошлигингизга,  
Сизда шунча эътиқод, мана.  
Ўтирволиб роз айтаманми,  
Яратиб, ризқ берган Роббига?

«Эгил», деганида эгилиб,  
«Тур», деганда туриб турмайми?  
«Юрма», деган йўлдан тийилиб,  
«Юр», дегандан юриб турмайми?

Фарз амаллар — қарзим, у Ҳаққа,  
Муҳаббатим кўрсатмоқ учун.  
Нафл ҳам шарт, ўзимга Унинг,  
Муҳаббатин уйғотмоқ учун».

Дўхтир деди: «Жон керакмасми?  
Ётинг, юрак бир хилда урсин».  
Қоридада деди: «Тек қўйинг,  
Жоним менга чидаса, турсин».



## КУЙГАН ҚИЗНИНГ НАДОМАТИ

Она ўтди, кўзимиз ёш,  
Гўё кўкдан кетди куёш.  
Фамимизга қилиб талош,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Пичоқ билан сўймасак ҳам,  
Чилвир билан бўғмасак ҳам.  
Адо бўлди ташвишлардан,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Болалари чиқди ҳар хил,  
Бири доно, бири жоҳил.  
Қилолмади асло аҳил,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Ичди, чекди нодон ўғли,  
Эр куйдирди, юрмай тўғри.  
Қонга тўлди, нафис кўнгли,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Келинлари турди қайраб,  
Ўғиллари турди силтаб.  
Асабларин бутаб-бутаб,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Эрга тегиб, келдик қайтиб.  
Ҳар ғалвани турдик айтиб,  
Ичларига ютиб-ютиб...  
Онамизни биз ўлдирдик.

Яшадилар йиғлаб, чўкиб,  
Юракларин чокин сўкиб.  
Азройилга бердик тутиб,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Кўшни билан олиштириб,  
Овсин билан солиштириб.  
Эри билан уриштириб,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Юролмадик эҳтиётлаб,  
Камим кўп, деб, келдик додлаб.  
Чидолмасдан кетди портлаб,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Йиғлаб дейсиз: «Кабутарим,  
Учди, кетди кўнгил ярим».  
Тан олайлик, укаларим,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Она она экан ҳар дам,  
Ибрат бўлди ўлими ҳам.  
Бўлиб қолдик аҳил, бирдам,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Олдин бўлсак бўлмасмиди?  
Кўнгли нурга тўлмасмиди?  
Бундай эрта сўнмасмиди?  
Онамизни биз ўлдирдик.

Ҳой, уйида ғам кўп, сингил.  
Рўзғорида кам кўп, сингил,  
Ечилдими энди чигил?  
Онамизни биз ўлдирдик.



Ҳой ўғил, ҳой маст, куйдирги,  
Ғаминг аждар бўлиб ютди.  
Йўлинг пойлайдиган кетди,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Нима энди кўз-ёш, йиғи?  
У қалбдаги Қуёш эди.  
Қайтиб келармиди энди?!  
Онамизни биз ўлдирдик.

Албатта, Ҳақ тақдир қилди,  
Фариштаси тадбир қилди,  
Сабаб — ғамлар таъсир қилди,  
Онамизни биз ўлдирдик.

Ота-она токи ҳаёт,  
Қувонтиринг, қилинг иззат.  
Азизларим, бу бир ибрат,  
Онамизни биз ўлдирдик.

**КУЛРАНГ СОЧЛАР МАНЗАРАСИ**

*(Уст из М. Мадрозиевга)*

Бу ранг қорамас, ё оқмас, бир рангдир,  
Ё икки ранг аро, унсиз бир жангдир,  
Бир жангки, қўшнилари ҳисоби бир хил,  
Аммо бирисининг аҳволи тангдир.

Дунё дунёдирки, икки ранг жанги,  
Қуёш барҳақ экан, тунни енгар тонг,  
Бир кун оқ бўлар деб, ҳаётнинг ранги,  
Кулранг сочларингиз уриб турар бонг.

Йиллар ўтар, Оқлар голиб келар боз,  
Сочда, мана, бодом гуллаб турибди,  
Шогирдлар ҳайратда: «Вожаб, устоз —  
Қалбини бошида олиб юрибди!»





## МАРСИЯ

(Тошкентлик қадрдоним Ўлмасхон ҳожи  
опани Аллоҳ раҳмат қилсин)

Опам эди меҳри жонда,  
Битта эди бу жаҳонда.  
Йўқлаб борсам Рамазонда,  
Ўлмас опам ўтибди-я.

Узоқ эди уйларимиз,  
Яқин эди дилларимиз.  
Тўрт ой боролмасам, эссиз,  
Ўлмас опам ўтибди-я.

Йиғлаб чиқди келинлари,  
Қизларидай эди бари.  
«Топиб беринг, опам қани?»  
Ўлмас опам ўтибди-я.

Қизлари йўқ бўлган билан,  
Ўғиллар меҳрибон бирам,  
Юрардилар қувноқ, бардам,  
Ўлмас опам ўтибди-я.

Маҳалла-ю уй, остона,  
Файзи эди ҳожи она.  
Қон босим бўлиб баҳона,  
Ўлмас опам ўтибди-я.

Бемор бўлди-ю қайнонам,  
Ўралашиб қолдим мен ҳам.  
Бўшаб, энди йўқлаб келсам,  
Ўлмас опам ўтибди-я.

Тилларидан томиб асал,  
 Ўқир эдилар шеър, ғазал.  
 Сим қоқарди мендан аввал,  
 Ўлмас опам ўтибди-я.

Ўғиллари иззатида,  
 Келинлари хизматида.  
 Ҳавас қилар эдим жуда.  
 Ўлмас опам ўтибди-я.

Аёл эди ловуллаган,  
 Бағрим йиглаб увиллаган.  
 Бутун Тошкент хувиллаган.  
 Ўлмас опам ўтибди-я.

Етмишга ҳам тўлмадимми?  
 Ўлмасхон ҳам ўладими?  
 Шунақа ҳам бўладими?  
 Ўлмас опам ўтибди-я.

Ўлимдан қон бўлмай бағир,  
 Тирикликда қилинг қадр.  
 Шундай дилбар, шундай нодир,  
 Ўлмас опам ўтибди-я.

Мен кеч қолдим, сиз улгуринг,  
 Иймонлашинг, қилинг гурунг,  
 Яқинларни йўқланг, туринг,  
 Ўлмас опам ўтибди-я.

Ойу кунлар ўтган сари,  
 Билинади ўринлари.  
 Нурга тўлсин қабрлари,  
 Ўлмас опам ўтибди-я.



## 1 ИЮНЬ – БОЛАЛАР КУНИ

Бекор, бекор, бекор! Шунчаки гап-да,  
Болага етарми бир кун, ой, ҳафта?  
Ҳар ҳолда Шимол, Шарқ, Жанубу Фарбда,  
Умрнинг ҳар куни – болалар куни.

Наҳотки, уч юзу олтмиш беш кунни,  
Жужуқларга тегса фақат бир куни?  
Ҳозир исбот қилиб бераман, шуни,  
Умрнинг ҳар куни – болалар куни.

Елиб югурамиз ўшаларни деб,  
Ўлиб тириламиз ўшаларни деб.  
Ҳар лаҳза, ҳар онда ғамларини еб,  
Умрнинг ҳар куни – болалар куни.

Ҳали бола бўлиб туғилмасидан,  
Чопқиллаб, қийқириб, югурмасидан.  
Топдими онасин қорнидан маскан?  
Умрнинг ҳар куни – болалар куни.

Бошқоронғилик бошландими, бас,  
Бола таъби ила олади нафас.  
Мана бу мумкину, бу мумкин эмас,  
Умрнинг ҳар куни – болалар куни.

Аллоҳ қудратию фаннинг фикрича,  
Ҳомилада уч, тўрт, беш ҳафта ичида.  
Тузилмиш марказий асаб тизимча,  
Умрнинг ҳар куни – болалар куни.

Онаси асабий бўлмасин бу пайт,  
Изтироб, ғазабли бўлмасин бу пайт.  
Яхши кайфиятда юрсин аҳли байт,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Уч ҳафтадан олти ҳафтагача, то,  
Болага юракча этилмиш ато.  
Бир умрлик соат юрсин бехато,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Олти, тўққиз ҳафта лаб-лунжу, оғиз,  
Танглай-у, тил, милку тишлар учун из.  
Тўрт, тўққиз ҳафтада қулоқ, эшитиш,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Тўртинчи ҳафтадан саккизгача то,  
Боланинг кўзлари бўлармиш пайдо.  
Оқию қораси, қабоқ, нур-зиё,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Бош, оёғу, қўллар, турфа хил аъзо,  
Яна қалбу диллар этилмиш ато.  
Бари ўлчов, ҳикмат билан бехато,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Қирқ иккинчи кун бир фаришта келиб,  
Жинси ва тақдирин кетармиш битиб.  
Хулқи жамил сўранг, ўтирманг кутиб,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Шу кунгача тиланг не истасангиз,  
Қандай ўғил керак, керак қандай қиз.  
Тақдири битилгач, кечга қоласиз,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Қалам кўтарилди, сиёҳ қуриди,  
Туғилгач, бу ёғи ижро мавриди.  
Сўранг зиғирчалигида вужуди,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Ўттиз саккиз ҳафта ёки ўтиб сал,  
Тамоми аъзоси бўлар мукамал.  
Туғила қолсайди, кўзимиз маҳтал,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Яна Аллоҳ билар — валлоҳу аълам,  
Тақдирида нима, кўрамиз баҳам.  
Ниҳоят туғилди, энди чиндан ҳам,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Дўхтирга, дояга, суюнчи — ҳадя,  
Гўдакка хуш исм, одоб, тарбия,  
Аллоҳга шукр, ҳамд айтсак кифоя,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Йўлга киргунича чўмилтир, ёгла,  
Қорни дам, ичи кўк, «памперс»ин боғла,  
Эмлат, «инга-инга», «ухла», «жим», «алла»,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

«Вой, қошини қара, кўзини қара,  
Ота-она, бобо, бувилар нима.  
Улар деб, бутун бир давлат оввора  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Қанча боғча, мактаб, устозлар кутар,  
Соғ бўлсин, илм олсин, ўргансин ҳунар.  
Шулар дея бедор, ҳатто, султонлар  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.



«Катта бўлса ундай, бундай бўлади,  
Осмондаги ой-ю, кундай бўлади»,  
Иншаоллоҳ, ҳали шундай бўлади,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Ўсиб, камол топиб, таниб дунёлар,  
Келтирар бахт, қувонч, гоҳо ғавғолар,  
Қолгани ўзингиз билган савдолар,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.

Йўғидан сақласин, бориға шукур,  
Яхшиси ҳар икки дунёда ҳузур,  
Сиз бир кун деманг-да, барака топгур,  
Умрнинг ҳар куни — болалар куни.



## ЭНГ ЯХШИ ҲАСАД

Японларнинг юртидан,  
Ўғлим қилди кўнғироқ,  
Шу эл урф-одатларин,  
Гапириб берди узоқ.

Эртага ҳам яна бир,  
Зўр томоша кўраркан,  
Бир оилада ажралиш,  
Маросими бўларкан.

Дедим: «Вой-вой! Ажралиш  
Биласанми, қанақа?  
Хунук ишлар бўлади,  
Асло борма у ёққа.

Бегоналар олдида,  
Эру-хотин уришар,  
Бир-бирининг бошидан  
Мағзавалар қуйишар.

Қайнонаси келинин,  
Келин уни қоралар,  
Мўлтирашар ўртада  
Тирик етим болалар.

Қудалар бир бирига,  
Пичоғини қайрашиб,  
Сочларини юлишар,  
Баъзан уй-жой талашиб.

Бақир-чақир, тўполон,  
Кек, аламдан ёниб кўз,  
Айтилади, ҳаттоки,  
«Талоқ» деган хунук сўз.

Нафрат, изтироб, ташвиш,  
 Ҳар иккала томонда,  
 Тўй яхши-ю, мана шу,  
 Ажралишлар ёмон-да.

Улар японлар бўлса,  
 Ташвиш бўлдинг-ку, менга,  
 Қилич-пилич отишса,  
 Тегиб кетмасин сенга,

Сир очилса, вой, улар,  
 Ориятли бўлади,  
 Эр ўзин ё хотинин,  
 «Харакиро» қилади.

Биласанми, нима у,  
 «Харакиро» дегани?  
 Самурай ханжар билан  
 Ўзини ўлдиради.

Ўша ерга хавотир,  
 Олмасин, десанг, онам,  
 Бронажелет билан,  
 Каска кийиб бор, болам».

Ўғлим кула-кула дер:  
 — Кўнглингизни қилинг тўқ,  
 Бу ерда қилич таққан,  
 Самурайлар энди йўқ.

Бугун борган жойимда,  
 Кўрганларим ҳаммасин,  
 Тасвирга олиб сизга,  
 Юбораман тасмасин.





Уч кундан сўнг қошимга,  
Қўйиб ўтирсам ўсма,  
Уйимга келди ўғлим,  
Юборган кинотасма.

Ўғлим сим қоқди: «Тасма,  
Жа қўрқинчли, аяжон,  
Уни кўришдан олдин,  
Тақволинг қилич-қалқон.

Дадамга ҳам тайинланг,  
Ўтирсин ушлаб ханжар,  
Шартга отсин бирорга,  
Самурай чиқса агар».

— Вой ўлмасам, — дедим мен,  
Ичиб юрак доримни,  
— Ўзи сен аҳмоқ бола,  
Эшитмадинг зоримни.

Отангнинг қон босими,  
Ошса нима қиламан?  
Ҳап, сеними, қараб тур,  
Келсанг, ўзим биламан.

Тасмани шоша-писа,  
Қўйиб кўриб дадаси,  
Деди: «Бу — тўй-ку, ўғлинг,  
Янглишибди, чамаси.

Кўринмайди суд зали,  
Тўйхона-ку, бир обод,  
Тўкин-сочин дастурхон,  
Ҳамма хурсанд, ҳамма шод.



Ўқрайган, қовоқ солган,  
Бирор одам йўқ, мана,  
Никоҳмикин ёки бир,  
Туғилган кунмикин-а.

Ўғлимни рақамига,  
Кўнғироқ қилиб дедим:  
— Жон болам, бу тасмангда,  
Уришмаяпти ҳеч ким.

Бу қанақа одамлар?  
Тушунмаяпмиз сириин,  
Таъзим билан гул бериб,  
Қутлашяпти бир-бирин.

Ўғлим деди: «Бу халқнинг,  
Шундай урфи расими,  
Худди тўйдек ўтаркан,  
Ажрашиш маросими.

Эсталикка суратга,  
Тушиб қайнона-келин,  
Видолашув олдидан,  
Ўпишаркан бир-бирин.

Эр-хотин эсдаликка,  
Совға берар, бахт тилаб,  
Ўша куни ўртада,  
Бўлмас экан нохуш гап.

Айтиб рози-ризолик,  
Сўраларкан кечирим,  
Шундан кейин ўртада,  
Бўлар экан ажирим».

Дедим: «Вой, тавба, тавба,  
Бу бир ибрат-ку катта,  
Кўп жойда нега шу кун,  
Жанжал бўлар, албатта.

Яхшиликча ажралмоқ,  
Бу қандай гўзал одат?!  
Японларда экан-ку,  
Энг улуғ маданият».

— Эсиз, — дея дадаси,  
Ясадилар хулоса,  
— Бўлмасмиди шу урфни,  
Дунё биздан ўрганса.

Ўн тўрт аср аввал кўкка,  
Чиққач ислом офтоби,  
Оятда келган ҳатто,  
Ажралишлар одоби.

Пок яшаб, керак бўлса,  
Яхшиликча айрилмак,  
Бу — Ислом хулқи, асли,  
Бизда бўлиши керак.

Дедим: «Гапингиз тўғри,  
Нодонлик бу, дадаси,  
Икки қуда томон ҳам,  
Битта юртнинг боласи.

Гўзал хулқимиз туриб,  
Бузилса гар орамиз,  
Нега аччиқ тил, алам,  
Нафрат билан борамиз?



Илму маърифат, одоб,  
Гуркираган миллатда,  
Овозини кўтариб,  
Гапирмоқ ҳам иллат-да.

Маҳаллага чиқсам-у,  
Ҳайқирсам: «Қадрдонлар!  
Биздан ўзиб кетибди,  
Маросимда японлар».

Келинг, шу гўзал урфни,  
Ўзлаштириб оламиз,  
Аразлашган томонга,  
Хурмат билан борамиз.

Дадаси дедилар: «Кўй,  
Ажралиш тўй бўлса ҳам,  
У даврада ҳеч меҳмон,  
Ўтиролмас хотиржам.

Ундан кўра, ким араз,  
Жуфт қилиниб бошлари,  
Тинч обод юртимизда,  
Бўлсин «яраш ош»лари.

Ҳасаддан японларга,  
Ичимиз куйса, куйсин,  
Бузилмасин ҳеч бир уй,  
Рўзгор мустаҳкам бўлсин».

Суд биноти олдидан,  
Ҳар сафар ўтган сарим,  
Барибир японларга  
Келаверар ҳасадим.



## ҚЎШНИЖОНИМ, АЙЛАНАЙ

Бир қўшним бор, вазмин, беозор,  
Келини тунд, нодон, дилозор,  
Бир кун дедим: «Ўртоқ, зўр иш бор,  
«Тановарни ўрганволамиз».

Ўтирибди сўлиган гулдек,  
Гоҳо ўйнаб, гоҳ санчиб юрак.  
Бу шўрликни чалғитиш керак,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Ичганда ҳам она қонини.  
Ўғли олар хотин ёнини,  
«Юринг», дейман, аяб жонини,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Келин бўлмай, курсин, беҳаё,  
Сиқилманг, бу қайтгувчи дунё.  
Боласидан тортсин, илоё,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Яхши келин бўлгандингиз, сиз,  
Қайнонам, деб ўлгандингиз, сиз.  
Эссиз, меҳр қўрмадингиз, сиз,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Нимасига бўласиз, хафа?  
Тарбиясиз, битта мишқи-да.  
Ўзлари ҳам боқяпти бола,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.



Бу аҳмоқлар нима кўрибди?  
 Қорнидагин ёғ, деб юрибди.  
 Юринг, шўрвам пишиб турибди,  
 «Тановар»ни ўрганволамиз.

Кўшним деди: «Куйи бормикин?»  
 Дедим: «Ўғлим келтирган дискин.  
 Айвонимга кирволиб, секин,  
 «Тановар»ни ўрганволамиз.

Кимнингдир «қиз базми»да роса,  
 Хиром этган битта раққоса.  
 Беш-ўн марта қилсак томоша,  
 «Тановар»ни ўрганволамиз.

Шайтониймас бу оҳанг ўзи,  
 Илоҳий ишқ ҳақида сўзи».  
 Ёниб кетди кўшнимнинг кўзи,  
 «Тановар»ни ўрганволамиз.

Оҳангларин эшитган саринг,  
 Эзгуликка тўлади қалбинг.  
 Уйингизни бўлди, унутинг.  
 «Тановар»ни ўрганволамиз.

Ерга қараб ўйнарди бувим,  
 Паст овозда сўзларди бувим.  
 Биз ҳам қилиб ўшандоқ удум.  
 «Тановар»ни ўрганволамиз.

Аёлларга шу рақс муносиб,  
 Ўзимизни ёт кўздан тўсиб.  
 Деразамга бир нима осиб,  
 «Тановар»ни ўрганволамиз.



Бировгамас ўзимиз учун,  
Синиқ, ярим кўнглимиз учун.  
Бир кўрасиз оҳангнинг кучин,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Энди келин жанжал бошласа,  
Ғамза билан, завқ билан аста.  
Ўйнаб беринг бўлиб ораста,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Ўзини ҳам ўйинга тортиб,  
Шу куй билан кўнглин юмшатиб.  
Зора феълин олсак тузатиб,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Ўшанда ҳам одам бўлмаса,  
«Уйимда бир итим бор» денг-да.  
Парво қилманг, ҳеч бўлманг хафа,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Бу куй – ўзбек аёлин қалби,  
Мужассам ишқ, садоқат, сабри.  
Маърифати, бешигу қабри,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

Қўлимизни ёзиб хур, озод,  
Бармоқларни қарсиллатиб шод.  
Ғам уйини қиламиз барбод,  
«Тановар»ни ўрганволамиз.

## ЙЎҚОЛГАН ШАҲАР

Фарғоналик қиз бориб,  
 Андижонда ўқирди,  
 Андижонлик йигитча,  
 Севиб, шеърлар тўқирди.

Бордилар совчи бўлиб,  
 Бир куни ота-она,  
 Тўй куни белгиланди,  
 Севги бўлиб баҳона.

«Кеч қолдим, элтиб қўйинг,  
 Фарғонага», деди қиз.  
 Бу гапни шу ошиқу,  
 Девонага деди қиз.

Йўлга тушди у ошиқ,  
 Уловини елдириб,  
 Топишолмас, ё фалак,  
 Фарғонани қидириб.

Ажаб, қандай ҳайдовчи,  
 Рулни олди қўлига?  
 Ногоҳ тушиб қолганмиш,  
 Қувасойнинг йўлига.

Қиз дер: «Бу қандай юриш,  
 Ҳайданг тезроқ, шошайлик,  
 Менга адир не керак,  
 Фарғонани топайлик».





Минг бор юрган йўли-ку,  
Товба, нега адашар,  
Бу йўл билмас ҳайдовчи,  
Қирдан тушиб, қир ошар.

Тўхтамайди улови,  
Тугамайди гапи ҳам,  
Ҳозир унга барибир,  
Йўлнинг ўнгу-чапи ҳам.

— Ой жойида, осмон ҳам,  
Эй Машраби девона,  
Харитани бир кўринг,  
Қайда қолди Фарғона?

Ахир уни кент қилиб,  
Не-не зотлар кўтарган,  
Шундай катта бир шаҳар,  
Йўқолса ҳам бўларкан?!

Уйга агар кеч борсам,  
Дадам соғ қўймас мени,  
Икки соат йўл юрдик,  
Ахир Фарғона қани?

Одам юрмас йўлларга  
Буриламиз тинмасдан,  
Нега яшаб юрибсиз,  
Фарғонани билмасдан?

Кеб қолишди бир жойга,  
«Қизил аскар»миш номи,  
— Вой бу қаер? — деса, дер:  
— Мадагаскар ороли.

— Мадагаскар бўларди,  
Африка қитъасида,  
Нима қилиб юрибди,  
Водийнинг ўртасида.

— Билмадим, юргандир-да,  
Бизга ўхшаб адашиб,  
Ҳаяжондан кўзим ҳам,  
Кетаяпти қамашиб.

— Бу қандайин узумзор,  
«Аввал»ми ё «Лоғон»ми?  
Тавба, бу ҳайдовчининг,  
Эси оғиб қолгонми?

Қиз шоширар: «Тез бўлинг», —  
Кўкка чиқар фиғони,  
— Не бўлса ҳам, бензини  
Тугамасин, илойим.

— Тугаса тугар, — дея,  
Йигит сўзлади илиқ, —  
Фарғона бу — ҳижрондир,  
Фарғона бу — айрилиқ.

— Не қилай олдингиздан  
Кетгим ҳеч келмаяпти,  
Шунинг-чун Фарғонага  
Етгим ҳеч келмаяпти.



## ҚИЗАЛОҚНИНГ ОРЗУСИ

Қўшни қизча Биллурга дедим:  
«Улғайсанг ким бўласан, қизим?  
Дўхтир, устоз?» У деди: «Ҳеч ким,  
Катта бўлсам, келин бўламан.

Бувим айтган «Сўзлагин аста,  
Ҳовли-уйни тутгин ораста,  
Тайёр турсин сочиқ, обдаста,  
Катта бўлсам келин бўламан.

Уйимизда бувим зўр устоз,  
Дейдиларки: «Қалам олиб ёз:  
Қиз болага қирқ ҳунар ҳам оз».  
Катта бўлсам келин бўламан.

Одоб билан юришим керак,  
Доим саҳар туришим керак.  
Кийиб зарли атласдан кўйлак,  
Катта бўлсам, келин бўламан.

Чақирсалар «лаббай», деб келиб,  
Койисалар «узр» деб кулиб.  
Иш айтсалар, «хўп бўлади» деб,  
Катта бўлсам, келин бўламан.

Ўрганияпман ҳар хил ишларни,  
Меҳмон кутиб, кузатишларни.  
Чой қуйиб, чой узатишларни,  
Катта бўлсам, келин бўламан.

Юваяпман дадам пайпоғин,  
 Дазмоллайман ўнг-тес, қирғоғин.  
 Тахлаб, ростлаб кийим жавонин,  
 Катта бўлсам, келин бўламан.

Туфлиларин мойлашим керак,  
 Бўйинбоғин бойлашим керак.  
 Дастрўмолин жойлашим керак,  
 Катта бўлсам, келин бўламан.


Ковушларни тўғрилаб, артиб,  
 Даҳлизларда ўрнатиб тартиб.  
 Ошхонани ҳалол, пок тутиб,  
 Катта бўлсам, келин бўламан.

Бежиз ёнмас чироғим бир дам,  
 Тежайман ўт-оловимни ҳам.  
 Исрофгар бу – энг ёмон одам,  
 Катта бўлсам, келин бўламан.

Мумкин эмас менга аразлаш,  
 Қош чимириб, хўмрайиб қараш.  
 Ғийбат қилиш, тортишиш, алдаш,  
 Катта бўлсам, келин бўламан.


Қаттиқ сўзлаш эп эмас бизга,  
 Шарму ҳаё керак ҳар кўзга.  
 Совчи келмас беодоб қизга,  
 Катта бўлсам, келин бўламан.

Бичиш, тикиш, тўқишим керак,  
 Фақат бешга ўқишим керак.  
 Муҳими, гап уқишим керак,  
 Катта бўлсам, келин бўламан».



# Истиқлолдан аввал ёзилган шеърлар

*Кифтим менинг битта оролдир,  
Яшашади унда бировлар,  
Қондошларим ичра бир бек йўқ,  
Менга ўхшаш, бари — қароллар.*



**УЙҒОНИШ**

Бошли одам, айтгин, ҳой,  
Осмон борми, нур борми?  
Қушлар борми ё фақат  
Яралганми чумоли?  
Елкамдаги оғир тош  
Бошми ё улкан қулоқ?  
Айланарми Қуёшга  
Қўксимдаги шамчироқ?  
Бир яхши кун менинг ҳам  
Чиқармикин «тил»ларим?  
Вой, тиззам-эй, менга бу  
Юришни ўргатган ким?...

1983 йил



## ЭРК

Менинг руҳим боғлиқ, бас,  
Оёғим-да занжирли.  
Кўксимда бир туйғу йўқ  
Садоқатдан арзирли.  
Зиндонсифат қурилиб,  
«Бахт» аталган қасрда  
Бахтиёр бўлишим шарт,  
Айниқса шу асрда.  
Сенга элтар йўлларга  
Жинлар макон қурмишлар,  
Ялмоғизлар тиш қайраб,  
Мени пойлаб турмишлар.  
Менга келар йўллар жим —  
Садосиздир, сассиздир,  
Аждару девларидан  
Одам зоти бахтсиздир.  
Бу махлуқлар маккордир,  
Уруш бошлар қўшилсак.  
Қора тўқмоқ ушлашиб,  
Юриш бошлар қўшилсак.  
Бир танмиз-у яшаймиз,  
Икки ёққа бўлиниб.  
«Вой, жоним-а!» дейиш маън,  
Одамларга кўриниб.  
Менинг боқий насибам —  
Жим юришдир — қийноқдир.  
Бир дардсанки, сен билан  
Оғримоқ ҳам гуноҳдир.

1988 йил

## УНЛИЛАР

Биз йўл олдик олис сафарга,  
 Бундан роса етмиш йил олдин.  
 Ҳамроҳларим — фақат ҳарфлар,  
 Мен ҳам ҳарфга айланиб қолдим.  
 Унлиларнинг бири бўлдим мен,  
 Акаларим — бошқа унлилар,  
 Лак-лак унсиз йўлдошларининг  
 Қилмишидан кўнгли хунлилар.  
 Биз — унлилар саноқли эдик,  
 Улар мўру малах эдилар.  
 Бош ҳарф деган мансабларни деб,  
 Кўр эдилар, карахт эдилар.  
 Мана улар, минг хил кепата:  
 «Ҳ» десанг «ҳ», «Ғ», «Ғ» дай эмас,  
 Манов «х» «б» бўлмоққа тайёр,  
 Улкан қилиб ёзишсалар бас.  
 Қовуштириб, жамланай десанг,  
 «Ўзбек» деган сўз бўлмоқ мушкул.  
 «б» талашар «з» нинг ўрнини,  
 Бош ҳарфга яқинлик — ҳузур.  
 «к» га пойгак кўринар бало  
 Ахир унинг кимдан неси кам?  
 Маъно унинг ишимас асло,  
 Ўз йўлига Бурч ҳам, Ватан ҳам.  
 Унлилар-эй, чиқдилар ёмон.  
 Маъно, Миллат, Ватан, деб ҳар он  
 Унсизларни босиб келдилар,  
 Бас, уларнинг бардоши битди!  
 Шон дедилар, Мансаб дедилар,  
 Тинчлик, соғлик, асаб дедилар,  
 Бошларига чиркин қоп ёпиб,  
 Қуриб қолган дарахтни топиб,





Унлиларни осиб келдилар!  
О,... Бўғзимда қолди унларим,  
Умр ўтди сиртмоқда бекор.  
Қишлар кетди, келмади бироқ  
Биз осилган дарахтга баҳор.  
Соқов бўлган Ватан йиғлади,  
Байрам қилди унсизлар роса,  
Шўрлик халқ-ей оғриқ кўзларин  
Юмганича қилди томоша...  
Бошсиз қолган юртнинг аҳволи  
Яна шундай баён бўлади:  
Унсиз ҳарфлардан гап тузиб,  
Бир ўқилса аён бўлади.

1983 й.

**МАСКОП ВАҚТИ,  
ТОШКЕНТ ВАҚТИ**

Катта-кичик соатлар  
Икки вақтни кўрсатар,  
Олдинма кейин улар  
Тонгда бизни уйғотар.  
Кичкинаси уч соат  
Олдин юрар каттадан.  
Бу дегани, уч соат  
Кеч уйғонар катталар.  
Кеч тургани тўғрими,  
Балки эрта тургани?  
Бизлар учун муҳими  
Соатларнинг юргани.  
Эрта турган кичиги  
Мўмин-қобил соатдир.  
Дақиқаю миллари  
Сабр-чидам, саботдир.  
Қанча олдин юрмасин  
Қайтарилар йўлига,  
Мурватлари кеч турган  
Каттасининг қўлида...

1988 й.



## КЎРГАЗМА

(ҳазил)

«Бугунги кунда ҳамма нарса камёб»  
(Хабардан)

Шаҳарда бир майдоннинг  
Усти, чети ёпилди,  
Камёб, тақчил молларнинг  
Кўргазмаси очилди.

Келди ташна одамлар  
Гуррос-гуррос бўлишиб.  
Йўл бошловчи йигит ҳам  
Сўзлар кўнгли тўлишиб.

— Дўстлар, бизда неки бор  
Сифат, тамға муносиб.  
Шунинг-чун дўконларда  
Туриб қолмас чанг босиб.

Кўргазмадан мақсад шу:  
Ҳар хил миш-миш бўлсин даф,  
Патта сотиб бир сўмдан  
Мамлакат ҳам кўрсин наф.

Манов бўлим — овқатлар,  
Томошага марҳамат.  
Ҳинд чойи-ю, «Тўқсон беш»  
Новвот, икра, нўхотлар.

Манов — оққанд, бу — шакар,  
Манов қаҳва (туйилган)  
Сўраб олдик бир кунга  
Амалдорнинг уйдан.



Бу бўлим — машинанинг  
Эҳтиёт қисмлари —  
Аккумуляторми, мотор  
Ёзилган исмлари.

Буларни топиш-чун кўп  
Оғизларни «мой»ладик,  
Иш чиқмагач, охири  
«Мутахассис» ёлладик,

Бу бўлимда яримта  
Атир совун турарди,  
Ҳали бир чол келдию  
Ногоҳ ютиб юборди.

Айтишича, кампири  
Кирламоқдан битлаган  
Чол тушмагур оғзида  
Элтиб бермоқчи экан.

Совун ахир совун-да,  
Кетиб қолган томоққа.  
Чол шўрликнинг бир пастда,  
Жони келди рамаққа.

Жарроҳлар ошқозондан  
Қидирмоқда совунни.  
Ўз ўрнига қўямиз  
Бўлса ҳамки олқинди.

Зерикарли кўп моллар  
Бу бурчакда сақланар.  
Виждон, иймон, оқибат  
Ва ҳоказо нарсалар.



Хув, бўш турган токчага  
Соф ўзбекча тил керак.  
Ёнига яна бир жуфт  
Эътиқодли дил керак.

Кўргазмамиз ранг-баранг  
Кундан-кунга ўзгача,  
Келтирамиз тез кунда  
Гугурт билан тузгача.

Бир нусхадан бўлса ҳам  
Бориға қилинг шукур,  
Афсус, эгри қўллардан  
Сақлаш бўлмоқда мушкул.

Ташриф учун минг қуллуқ,  
Эшик ана, марҳамат.  
Киссангизни ағдариб  
Кўрсатиб кетинг фақат.

1988 йил

## ТЕСКАРИ ЭРТАК

Деҳқон, айиқ икковлон —  
 Ибтидойи шериклар.  
 Деҳқонвойнинг ерига  
 Бир гал чигит экидилар.  
 Пахта заҳмати аниқ  
 Ишлаш керак шитоб, жим,  
 Кетмончи бўлди деҳқон  
 Айиқ бўлди хитобчи.  
 — Ҳа, бўл, қани ур кетмон,  
 Бу йил план — юз млн. т.  
 — Бажарамиз бериб жон,  
 Муддатидан илгари!  
 Ўтоқ, чопиқ, ягана  
 «Шарбат» оқиз, ўғит сол,  
 Шўрлик деҳқон ҳожатга  
 Боролмасди бемалол,  
 Хитобчи ҳам кўп толди  
 Очилгунча пахта сал,  
 Билди, деҳқон авлоди  
 Ишлайверар мақтаса,  
 Терим иши азалги  
 «Техника»га ортилди,  
 Яъни кузда далага  
 Деҳқончалар тортилди.  
 Осмонга етди хирмон  
 Қолди гўзапояси.  
 Айиқ деди деҳқонга:  
 «Илдизими, пояси?»  
 Деҳқон бир оз ўйланди:  
 Қайси бири емишли?  
 Кийиб бўлар қай бирин,  
 Қайси бири шимишли?



Айиқ деди: «Ўйланма!  
Ишладинг сўзсиз ҳалол.  
Илдиздан поягача  
Тортиқ қилдим, олақол».  
Хитоб қилди сўнг яна:  
«Деҳқонполвон яшасин!  
Тақди деҳқон кўксига  
Эшагининг тақасин.  
Уйга ташиб «ҳосил»ни,  
Деҳқонлар хўб ишлашди.  
Афсус, билмас қандай еб,  
Қаеридан тишлашни.  
Айиқ эса бел боғлаб,  
Пахта сотди дунёга.  
Эшагин тишигача  
Айлангирди тиллога.  
Деҳқон эса оч-наҳор,  
Қадри бўлиб бир пуллик,  
Даласига ҳар баҳор  
Айиқни қилди шерик.  
Яна офтоб, жалада  
Очин-тўқин, кийимсиз.  
Деҳқончалар далада  
Келажаксиз, илмсиз.  
Хитобчилар номини  
Яна тенглар юлдузга.  
Деҳқон тикар жонини  
Поя билан илдизга.

1985 йил

## БРИГАДИР

*Мухтор ака ҚОДИРОВГА*

Бағри бўм-бўш қолди даланинг,  
 Жондан бўлак борини тўкди.  
 Осмон каби юксак марранинг  
 Этагидан тутолмай чўкди.

Сувдан ғалвир кўтарди деҳқон,  
 Бўш ғалвирнинг юки кўп оғир,  
 Ўтирасиз шудгорда гирён.  
 Азоб берар санчиган бағир.

Сизга бир бор «Ҳорманг!» демасдан  
 «Халқ артисти» бўлган кимсалар,  
 Жанобларнинг кўнглин олмоққа  
 Чет элларга жўнаб кетарлар,

Сизга эса маҳалладаги  
 Ушоққина мавсумий боғча  
 Кўнгил учун қилиниб эви,  
 Икки кунда бўлар «Чойхона».

Омон бўлсин жисмоний ҳордиқ,  
 Омон бўлсин эски патефон.  
 «Чойхона»га кирасиз сўниқ  
 Расул Қори куйлайди гирён:

«Ёндиройин дермусан, куйдиройин дермусан?  
 Яна бошимга балолар ёғдиройин дермусан?  
 Осмондин ерга ташлаб, халқ аро расво қилиб,  
 Тушгунча болу паримни юлдиройин дермусан?»





Ўйланасиз: ишладик тинмай,  
Чўнтак қуруқ, нимага? Нечун?  
Шунча меҳнат қилиш шартмиди,  
Бўзапоя йиғмоғлик учун?!

Бирам узоқ қишнинг тунлари,  
Чўзидасиз, армон ботади.  
Сиз сиғинган кўп «каъба»ларда  
Сиз йўқотган тонглар отади...

1989 йил

## БОЛТАВОЙНИНГ «СИГИР»ЛАРИ

Амирқодан сайёҳ меҳмон келибди,  
Миллионер колхозни кўрмоқчи эмиш.  
Ким қандай яшайди, қандай юрибди,  
Колхозчи уйида борми қўй, говмиш?

Уч-тўрт хонадонни кўрсатди раис,  
«Сувчи Болтавойнинг уйи шу гўша!»  
Бир уй бола-бақра, гуллар бор — нафис,  
Уйи мундайроғу, сигири — қўшша.

«Қатиғингдан келтир» демади раис,  
Лекин меҳмон мамнун — кўрди барини.  
Тонгда ўша уйдан подачи Ҳафиз  
Олиб кетди колхоз сигирларини.

1987 йил



## ОРЗУ

Кифтим менинг битта оролду,  
Яшашади унда «бирова»лар.  
Қондошларим ичра бир бек йўқ,  
Менга ўхшаш бари қароллар.

Чарчадим деб исён қилмасак,  
Бўй баробар кенглик берилган,  
Қатор ва бир юрмоғимиз шарт,  
Бизга олий тенглик берилган.

Кўчаси кўп менинг кўнглимнинг,  
Бу дунёнинг йўлаклари тор.  
Ундан-да тор шох низомига  
Телба дилнинг сиғмоғи душвор.

Оёғимда саксон хил кишан,  
Бир бошимда тўқсон тўққиз дор.  
Ҳеч бўлмаса отдай яшашга  
На йўлланмам, на ҳуқуқим бор.

Бир эгарим бўларди шунда,  
Бир чавандоз — эгам бўларди.  
Бир бўйнимда юз жуган эмас.  
Биттагина юган бўларди.

Бошпўртим ҳам бўлмасди менинг,  
Кимникиман, қайд этилмасди.  
Энг муҳими, бошқа отлардан,  
Ўзиб кетиш рад этилмасди.

1989 йили

## ШОИРНИ ҒАМГИН КҮРГАНДА

Устоз, бу дунёга ҳайфдир шоир,  
 Бу дунё ШОХМОТдир, МОТлар ютади,  
 Майдонда халқ қолиб ўғрими, каззоб,  
 Маскопда ўтирган зотлар ютади.

Етмиш йил жиловни қўйиб эшакка,  
 «Бошга тандир кийиб» юрдик ўзимиз.  
 Жоҳиллик панд берди — ҳалокат аниқ,  
 Энди на «урра», на «дод»лар ютади.

Сиз ўттиз санайсиз элнинг ҳаққини,  
 Қаламдор йўл топиб, тўққиз қилади.  
 «Нега?» деб сўрсангиз, шаккокисиз — тамом!  
 Иғвою, бад маълумотлар ютади.

Шукрки, қатағон пайтимас, йўқса,  
 Сургун қилардилар исмингиз учун.  
 Ҳозир у шамоллар махфийроқ эсар,  
 Нурни ҳамон хурофотлар ютади.

Мажлистан чиқасиз паришон, руҳсиз,  
 Эҳ, яна нимани бой берди улус?  
 Менинг қонларимда битта ҳайф оқар,  
 Бунёдни тоқай барбодлар ютади?

Менга-ку қутлуғдир ҳар бир лутфингиз,  
 Нетай, сўз уқмаса руҳи сиёлар?!  
 Гап бор-ку, чавандоз нодон бўлса гар,  
 Зуғумини доно отлар ютади?



Шеър шунга етганда тугади радиф,  
Барибир айтаман сўнгги сўзимни.  
Ва унинг ростлиги учун шарт бўлса,  
Гаровга қўяман икки кўзимни:

— Иймон, эътиқодсиз дунё, тожу-тахт,  
Салтанат бир қарич катак бўлади.  
Ўртасидан бўлса Ҳазрат Румийнинг,  
Эски ковушига патак бўлади.

Устоз, сизга маълум қизил фалсафа:  
Жон — давлат мулкидир, руҳ — давлат мулки,  
Эркин Воҳидники бўлса ҳам карвон,  
Сарбон ётникидир, ётлар ютади.

1985 йил

## ҚОДИРИЙНИ ЭСЛАБ...

Қолди фақат халқнинг «дўстлари»,  
Халқ «душман»и — Қодирий кетди.  
Алвон кўйлак кийган, эй Ватан,  
Гуллаб-яшнаб кетасан энди,  
Ўтган кунинг қаро кун бўлса,  
Келар кунинг нурафшон бўлар.  
Мачитларсиз, жойнамозларсиз  
Сени обод қилади дўстлар.  
Номдор бўлиб кетасан, халқим,  
Битиб кетар каму-кўстларинг.  
Душманларни фош қилиб охир,  
Омон қолди фақат дўстларинг.  
Замонанинг зайлига қуллуқ,  
Беклар ётдир яхшими-ёмон.  
Кўкан бўлсин ҳамма ўзбеклар,  
Ва ўлгунча кўтарсин кетмон.  
Қозон умум, кўрпа умумда,  
Қилсин фақат умум юмушлар,  
Отабеклар пахта экишсин,  
Ўза чопсин энди Кумушлар.  
...Ярим аср, қисқами-узун,  
Юртни жаннат жой қилиш учун  
Чигит эккан Отабекларни,  
Кўканларни бой қилиш учун?  
Фақат дўстлар билан қолсаю,  
Шавкатли эл қулга айланса.  
Қизларининг нафис қўли тош,  
Жувонлари тулга айланса.  
Хордир азон айтар мезона  
Тутун пуркар минор мўътабар,  
Бадном кимки деса «бисмиллоҳ»  
Кимки деса «Оллоҳу акбар».



Дўст-душманин саралаган, эл,  
Эллик йиллик томошангга кел.  
Мен ҳолингга жим боқиб, халқим,  
Бир маънони оғриниб уқдим:  
Дўстлар шундай бўлса, ўзингга  
Қодирийдай «душман»лар туққин.

1989 йил



## АЙЛАНИБ ЎТИШ

Айланиб ўтишдан чарчадим,  
Менга ҳам йўл беринг, қуриган толлар.  
Сурати ҳаёту, сийрати ўлим,  
Тани қулоч етмас чириган толлар.  
Ёдимда: йўғонроқ дарахт учраса,  
Хушомад, таъзимда эгилганингиз...  
Тераклар ёшлиқдан тўғри эдилар,  
Уларни қуёшдан тўсмоқ қасдида,  
Осмонга яқинроқ ўсмоқ қасдида,  
Барглари хўп ёзиб, керилганингиз.  
Тераклар ёшлиқдан бўйчан эдилар,  
Ҳам қувноқ, ҳам бир оз ўйчан эдилар.  
Шу гуноҳи учун илдизларингиз  
Уларни қақшатиб юрдилар зимдан.  
Фақат қурт боқдингиз вужудингизда,  
Офтобни едингиз, сувни едингиз.  
Сассиғалафлардан, семизўтлардан  
Асло бўшамади сояларингиз.  
Бутоғингиз қарға, зоғларга паноҳ,  
Саъвалар ҳайдалди, қумрилар қувғин,  
Булбуллар сургунда, сизнинг эмас, оҳ,  
Гулнинг таърифини қилгани учун.  
Терак-чи, не олди аламдан бошқа  
Сиз билан камоли замондош бўлиб?  
Сабаби: айланиб ўтишдан бошқа  
Ҳар нега чидади ўлиб, тирилиб.  
Ялпизлар кеч қолди сизни айланиб,  
Баҳорларидан.  
Жилғалар кеч қолди сизни айланиб,  
Анҳорларидан.  
Лайлақлар учдилар сизни айланиб —  
Ёзлар кечикди.





Иссиқ ўлкалардан сизни айланиб,  
Фозлар кечикди.  
Бошидан оёғи илдам жонзотлар  
Айланиб ўтди.  
Жонидан номуси беқадр зотлар  
Айланиб ўтди.  
Саботли тераклар қуёшга етди —  
Улғайиб кетди.  
Энди сиз айланинг, охират етди,  
Охират етди.  
Яқинлаб келмоқда биз томон энди  
Баҳорий онлар.  
«Айланиб ўтиш»ни кўрсатар сизга  
Шаддод шамоллар!

1989 йил

## ЭСКИ ҚОЛИП ВА ЯНГИ ФИШТ

Қурилишда тўполон:  
«Бизга яхши фишт керак.  
Қайта-қайта қуришдан,  
Сиқилиб кетди юрак.

Йиқилмоқда деворлар,  
Қинғир-қийшиқ фиштимиз.  
Бу аҳволда ҳеч қачон,  
Юришмайди ишимиз».

Дер қурилиш каттаси:  
«Ўзни босинг, халойиқ.  
Арзимас бир камчилик,  
Наҳот исёнга лойиқ?!

Йиғиламиз, кўрамиз,  
Катгалар бор бу ерда.  
Комиция аниқлар,  
Хато қилдик қаерда»

Йиғилдилар, хатони,  
Қидирдилар ўттиз ой.  
Ва ниҳоят топилди,  
Фиштни бузган «нозик жой».

Қарор чиқди газетда:  
«У айб топилди лойдан.  
Фиштга энди тупроқни,  
Келтиринг бошқа жойдан».



Татбиқ бўлди ҳаётга,  
Икки йилда қарорлар.  
Икки йил тинч яшашди,  
Қурилишда саркорлар.

Ўғирлаю ташмала,  
Ўйлашиб ўз роҳатин,  
Қурилиш ҳисобидан  
Битқазди иморатин.

Уйни кутиб қапада,  
Эл яшади оч-юпун.  
Тезроқ бита қолсин деб,  
Ҳадя қилди бор-будин.

Қайта бошланган бино,  
Битмай йиқилди яна.  
Одамлар билдилар айб,  
Лойда эмас, қолипда.

Улар дедилар: «Токай,  
Бузиб, қайта бошлаймиз?!  
Қолип янги бўлмаса,  
Ҳаммамиз иш ташлаймиз!»

Катталар деди: «Бўпти!  
Шартингизга кўнамиз.  
Аввал ўша қолипни,  
Бир текшириб кўрамиз»

Текширдилар икки йил,  
Келишиб муросага.  
«Янги яшаш керак» деб,  
Келишди хулосага.


Аммо... «Янги қолип-ку,  
Бизларга ҳам ёқади.  
Лекин битса қурилиш,  
Бизни нима боқади?!»

Қувлик қилди саркорлар,  
Нафс тушди орага.  
Ўша яшил қолипни,  
Бўядилар қорага.

Янги қолип янги-да,  
Бошқачадай гишtlари.  
Кўнгли тинди улуснинг,  
Юришгандай ишлари.


Найранг маълум бўлгунча,  
Ўн йил тинчлик бўлади.  
У пайтгача ё эшак,  
Ё эгаси ўлади.

1988 йил



## Надиралар саҳифаси

*Болалар, болалар, ҳой, болалар.  
Қалби қуёш, ой, болалар.  
Сиз аҳилу соғ бўлсангиз,  
Юрт бўлади бой, болалар.*





## БОТИР БОЛА

Аяси Илҳом билан  
Боришмоқчи меҳмонга.  
Илҳом берилиб қарар  
Телевизор томонга.

Онаси шошилиб дер:  
— Болам, тургин, кетайлик.  
Бувинг кутаяптилар,  
Илҳақ қилмай етайлик.

Аясидан Илҳомжон  
Эркаланиб сўради:  
— Мен бормасам майлими?  
Ҳозир мультик бўлади.

Ўзингиз бораверинг,  
Мен қолай, аяжоним,  
— Уйда бир ўзинг қолсанг,  
Кўрқасан, болажоним.

— Кўрқмайман, нега кўрқай,  
Бораверинг, — дейди, у  
— Ўзим ёлғиз эмасман  
Доктор акам борлар-ку.



«УСТОЗ»

Ака-ука Шерзод, Нозим  
Тўполончи бўлишган.  
Иккиси ҳам ҳеч турмас жим,  
Гоҳ иноқ, гоҳ уришган.

Гоҳ ҳовлида тўп тепиб, гоҳ  
Аскар бўлиб юришар,  
Аялари уришмоқчи,  
Қиқир-қиқир кулишар.

Кейин эса ишларидан  
Келганида дадаси,  
Ҳаммасини битта қўймай  
Айтиб берар аяси.

«Вой, шулар-а?! — дер, дадаси,  
Ҳап, сизларни, уят-э!»  
Аясини юпатару,  
Бошлаб берар каратэ.

**БАҲОНА**

Ишга борманг, аяжон,  
Мен ҳам бормай боғчага.  
У ерда сизни ўйлаб,  
Соғинаман кечгача.

Ишга борманг, аяжон,  
Чарчаб, ҳориб кетасиз.  
Уйда ўтириб менга,  
Эртак айтиб берасиз.

Ишга борманг, аяжон,  
Учяпти чап қовоғим,  
Иситмам бор шекилли,  
Оғрияпти томоғим.





## БОЛАЛАР

Болалар, болалар, ҳой, болалар,  
Қалби Қуёш, Ой болалар.  
Сиз аҳилу соғ бўлсангиз,  
Юрт бўлади бой, болалар.

Кўзларнинг оқ қорасисиз,  
Ватаннинг гул, лоласисиз.  
Миллатингиз ким бўлса ҳам,  
Ўзбекистон боласисиз.

Одам Ато — отамиз бир,  
Момо Ҳаво — онамиз бир,  
Аҳил бўлинг, тотув бўлинг,  
Дунё деган хонамиз бир.

Иймон қалбда офтобингиз,  
Ота-она моҳтобингиз.  
Бутун дунё боласига,  
Ибрат бўлсин одобингиз.


Ихлос бўлсин дилингизда,  
Шукур бўлсин тилингизда.  
Боболарнинг ҳикматлари,  
Чироқ бўлсин йўлингизда.





## Машрабона оҳанглар

*Ихлос аҳли бўлса жам, ул даврага ўзингни ур,  
Бедилу Машрабдин айт, «Ушоғу» «Дугоҳ» бўлмаса*





## ХАРИДОР

Эй, руҳи равоним, биз Сенга харидор,  
Эй, қоши камоним, биз Сенга харидор.

Эй, ҳаммадан аъло, эй, якка-ю танҳо,  
Эй, жони жаҳоним, биз Сенга харидор.

Эй, лаблари хандон, эй, яхши суҳандон,  
Эй, соҳиби замоним, биз Сенга харидор.

Эй, сўзлари ашъор, эй, қудрати ошкор,  
Эй жисми ниҳоним, биз Сенга харидор.

Эй, покиза хилқат, эй, айни ҳақиқат,  
Эй, покдомоним, биз Сенга харидор.

Эй, сўзлари ҳикмат, эй, соҳиби ҳиммат,  
Эй мангу омоним, биз Сенга харидор.

Мен сув каби тошган, мен – йўлдан адашган,  
Эй, роҳи калоним, биз Сенга харидор.

Мадҳингдан очиб сўз, лутфингга тикиб кўз,  
Роҳатда бу жоним, биз Сенга харидор.

Эй, зўру раҳмдил, эй, поку чучуктил,  
Эй, яхши ҳоқоним, биз Сенга харидор.

Кимларни қилиб ёр, кимдан этасан ор,  
Эй, қаҳри ёмоним, биз Сенга харидор.

Маҳшарда этиб жам, айтсанг эди Сен ҳам:  
«Эй, ранги сомоним, биз Сенга харидор».



## УРУШМА

Инсон бўлсанг, ҳалим бўл, доно билан урушма,  
«Тор бўлди, кенг бўлди», деб, дунё билан уришма.

Ёши улғуни кўрсанг таъзим, тавозеда тур,  
Мис деб билгин ўзингни, тилло билан уришма.

Гарчи сен ҳақ эурсан, тутгин ўзингни мағлуб,  
Мискин, бечора, кўнгли яро билан уришма.

Қому қариндош билан аҳил бўлсанг, бойдирсан,  
Бир китобнинг сўзисан, маъно билан уришма.

Яратганнинг амрисиз оёққа кирмас тикон,  
«Тошдингу қуридинг», деб, дарё билан уришма.

Кўшнисан ё замондош, аҳил бўл, меҳрибон бўл,  
Бутпараст, насроний ё тарсо билан уришма.

Фам келганда, Марҳабо, сабр эт, шукр эт,  
завқ ҳам ол,  
Журму исёнлар қилиб, Аллоҳ билан уришма.



## БЎЛУР

Тан қаро бўлганда ҳам, иймонли қалб оппоқ бўлур,  
Тани оқ, қалби қарога мард нечун ўртоқ бўлур?

Мард киши номард билан қилганда жанг ботир бўлиб,  
Мискину бечораларнинг олдида қўрқоқ бўлур.

Бўлса суҳбатдош ширинсўз, шод бўлиб вайрон  
кўнгил,  
Бир кўрай, деб, яхшилар дийдорига муштоқ бўлур.

Бой эмас хайру савоб, гар бўлмаса бойда агар,  
Бой уйин пештоқида «эҳсон» деган байроқ бўлур.

Бор калом: «Паст тут бошингни ота-она олдида»,  
Рози этмоқ истаганнинг ҳар сўзи юмшоқ бўлур.

Дейдилар: «Иймонли бир қул Фиръавндан ҳам улуғ,  
Ихлос аҳлин чеҳраси ҳам, қалби ҳам порлоқ бўлур».

Гийбату беҳуда сўздан, Марҳабо, қилсанг ҳазар,  
Шукр ила, Ҳақ зикрида пок тилларинг сайроқ бўлур.



## ИЛОЖИНГ ЙЎҚ

Уятдан эй, кўнгил, гамларга тўлмасдан иложинг йўқ,  
Ва шундоқ гамга тўлдинги, тўкилмасдан иложинг йўқ,

Висоли-обирахматни гиёҳ янглиғ кутиб толдинг,  
Фироқ жазирасида энди сўлмасдан иложинг йўқ.

Аюрса ошиғ аҳлини расою норасоларга,  
Гадосан, норасоларга қўшилмасдан иложинг йўқ.

Сенга гўё қаҳр қилди вабо теккан қавм бўлдинг,  
Шериклар хаста бўлгач, хаста бўлмасдан иложинг йўқ.

Сенга эп кўрмади Ўзин танитмоқни, дегил, додким,  
Куфр исканжасида энди ўлмасдан иложинг йўқ.

Ўлим солиҳ кўнгилга шодлигу сенга қиёматдир,  
Чўчиб даҳшатидан қочсанг, тутилмасдан иложинг йўқ.

Иймонингдан аюрган нафс ёвингдирки, уни боғлаб,  
Сабр болтаси-ла чошиб, қутилмасдан иложинг йўқ.

Ҳисоб вақти сенга келгач, уятдан юзларинг ёниб,  
Чурук, хор кафанинг бирлан тўсилмасдан иложинг йўқ.

Ўқилса номаи аъмол, чиқар исёнларинг бир-бир,  
Гуноҳлар юкидин эй, воҳ, букилмасдан иложинг йўқ.

Сени расвойи олам қилган ул Шайтон ёқосига  
«Мени не қилдинг, эй наҳс?» деб, осилмасдан  
иложинг йўқ.



Раҳмдил Зот раҳм қилсин, қаҳр қилса, агар, билки,  
Аланга аждаҳосига ютилмасдан иложинг йўқ.

Надомат ҳам ибодат эй, кўнгил, йиғла, айт истиғфор,  
Умр ўтиб бородирки, шошилмасдан иложинг йўқ.





## ҚАРЗ БЕРИНГ

Ақчангиз бўлса агар, ҳожати борга қарз беринг,  
Зориқи, иззиллаган, муштоқу зорга қарз беринг,

Яхши ният-ла бир иш қилмоқчи бўлган калта қўл,  
Кўнгли кенг, аммо, бироқ, имкони торга қарз беринг,

Қарз беринг борса, диёнатли, хешу, қўшни агар,  
Ҳеч демасман, муттаҳам, гўл, нобакорга, қарз беринг,

Сизнинг олдингизга бормиш, юз азоб, андиша-ла  
Йўқ, деманг, бўлса агар, виждони борга қарз беринг,

Қарз сўраб борган киши-ла, Ҳақ ризолиги борур,  
Ё мусофир, ё ғариб, ё азадорга қарз беринг.

Қарз беринг, аммо гувоҳлар бирла қоғозга ёзиб,  
Олган-у бермоқ кунин битиб қарорга қарз беринг.

Қарз олувчи айтиб-айтиб ёздирурким, шарт шудир,  
Бу улуғ оятки, ҳар бир бемадорга қарз беринг.

Тушманг асло бейимон, алдоқчилар қўлига сиз,  
Ўйлаб-ўйлаб ҳарқалай, иймони борга қарз беринг.

Қарз савоби, Марҳабо, эҳсон, садақотдин улуғ,  
Кўрдингизки айтмадим, асло бекорга қарз беринг.



## БЎЛМАСА

Тўхтат ул суҳбатни, покдил яхши ҳамроҳ бўлмаса,  
Қалб тафаккурда бўлиб, сўз мағзи Аллоҳ бўлмаса.

Сочмасанг ҳикмат дурин, қўй, сўз учун очма оғиз,  
Боши «бисмиллаҳ» сўнги «алҳамдулиллаҳ», бўлмаса.

Ихлос аҳли бўлса жам, ул даврага ўзингни ур,  
Бедилу, Машрабдин айт, «Ушшоғ»у, «Дугоҳ» бўлмаса.

Чорласа ҳар даврага, онгу шуур бирлан қўшил,  
Нолишу дунё учун, «дод» ила «оҳ-воҳ» бўлмаса.

Тилга бўл ҳушёрки, Ҳақ номи ила ички қасам:  
Беҳуда сўз остида, дўзах деган чоҳ бўлмаса.

Ким агар гийбатчидир, шайтонга ҳамсуҳбат бўлур,  
Ҳеч киши шайтон ила тургайми, гумроҳ бўлмаса.

Нурли эт иймон билан, сен, қалбинг осмонини дўст,  
Кўкни ким, осмон дегай, Хуршид ила Моҳ бўлмаса.

Чайнавор овқат билан, сен, тил агар сўзласа-ю,  
Сўзида «Аллоҳу-Акбар», «Субҳаналлоҳ» бўлмаса.

Панд-насиҳат ҳаддин ошса, зерикиб қолгай киши,  
Хуш табассум, пок ҳазил ҳам, сўзда гоҳ-гоҳ бўлмаса.

Мўмин эрмассан ишинг, эй, Мархабо, илм излабон,  
Эрта-ю кеч, «шукр» ила, «астағфуруллоҳ», бўлмаса.



## ТАСАВВУР

Турурсан нур сочиб, балки, зиёдирсан, зиёдирсан,  
Кўнгиллар баҳра олгувчи, наводурсан, наводурсан.

Ипак феълсан, ҳалим, юмшоқ, садаф кўнглинг,  
ҳарир, оппоқ,  
Ўзинг – Ўзингсан тоқ, фазодирсан, фазодирсан.

Учиб парвонадай гир-гир, етолмасман, бу қандай сир,  
Кўлимни теккизолмам бир, сабодирсан, сабодирсан.

Топилмас Сен каби хушрўй, мени мажнун қилар  
бу ўй,  
Бирам нозик, бирам хушбўй, ҳаводирсан, ҳаводирсан.

Буюқдир зотинг-эй, ҳай-ҳай! Бўларми Сенга ҳамд  
айтмай?!

Шаҳаншоҳсанки, борлиққа, жилодирсан, жилодирсан.

Ақл дилни сўкар: «Осий, куфр кетма, тилингни тий»,  
Гўзал ёғду, биру, боқий, садодирсан, садодирсан.

Бу хаста Марҳаболарга, гуноҳкор, пурхатоларга,  
Висолинг деб гадоларга, шифодирсан, шифодирсан.



## МЕҲМОН КЕЛДИ

Меҳмон келди эшикдан, танимизга жон келди.  
Чехраларга табассум, томирларга қон келди.

Яшнаб кетди ҳамма ёқ, қизиди тандир, ўчоқ,  
Дилларимиз бўлди чоғ, севимли инсон келди.

Борарга топмай чора, соғингандик минг бора,  
Бизни қилмай оввора, ўзлари осон келди.

Йўлда эди кўзимиз, дуодайди кўлимиз,  
Яхши биродаримиз, сиҳату, омон келди

Меҳмон кўнгли хуш бўлди, қанот чиқди, қуш бўлди,  
Жойнамозлар қўш бўлди, соҳиби иймон келди.

Тутиб ўзни хор-хаста, суҳбатлашар ораста,  
Тўла турар обдаста, дўстки покдомон келди.

Болалар бўлиб тотув, кўлларига қуяр сув,  
Ёнбошлашга қўш парку ва ўртага хон келди.

Унга ҳурматлар билан, яхши суҳбатлар билан,  
Нозу-неъматлар билан, оппоқ дастурхон келди.

Олдига қўйиб таом, айт, Мархабо, хуш калом,  
Жон фидо қил, вассалом, мавсуми эҳсон келди.



## ҲОЖИЛАР

Ҳақ уйида меҳмон бўлган ҳожилар,  
Гўдакдай пок инсон бўлган ҳожилар,  
Сафо-Марва ўртасида югуриб,  
Арофатда гирён бўлган ҳожилар

Чехрангиздан иймон нури балқийди,  
Аллоҳ, деса, кўз ёшингиз қалқийди,  
Ҳай-ҳай ҳожим, келдингизми жаннатдан?  
Эгнингиздан мушки анбар анқийди.

Йўлингизда поёндоз бўлди жонлар,  
Уйингизга тўлиб кетди меҳмонлар,  
Ҳамроҳ бўлсин сизга абад бу поклик,  
Қутлуғ бўлсин, «ҳожи» деган унвонлар.

Юмушингиз энди эҳсон, саховат,  
Яхши сўз, яхши иш ва яхши одат.  
Ҳасад қилмай ҳавас қилган кишига,  
Насиб этсин, сиз эришган саодат.

## МУЎДАРИЖА

## УЙИМ — ОЛТИН ҚЎРФОНИМ

Узук .....	4
Жаннатга кетган гуруч .....	8
Ихлос аҳлининг фалсафаси .....	10
Куйган қизнинг надомати .....	13
Кулранг сочлар манзараси .....	16
Марсия .....	17
1 июнь — болалар куни .....	19
Энг яхши ҳасад .....	23
Кўшнижоним, айланай .....	29
Йўқолган шаҳар .....	32
Қизалоқнинг орзуси .....	35

## ИСТИҚЛОЛДАН АВВАЛ ЁЗИЛГАН ШЕЪРЛАР

Уйғониш .....	38
Эрк .....	39
Унлилар .....	40
Маскоп вақти, Тошкент вақти .....	42
Кўргазма .....	43
Тескари эртак .....	46
Бригадир .....	48
Болтавойнинг «сигир»лари .....	50
Орзу .....	51
Шоирни ғамгин кўрганда .....	52
Қодирийни эслаб... ..	54
Айланиб ўтиш .....	56
Эски қолип ва янги ғишт .....	58

## НАБИРАЛАР САҲИФАСИ

Ботир бола .....	62
«Устоз» .....	63
Баҳона .....	64
Болалар .....	65

## МАШРАБОНА ОҲАНГЛАР

Харидор .....	68
Урушма .....	69



Бўлур .....	70
Иложинг йўқ.....	71
Қарз беринг .....	73
Бўлмаса .....	74
Тасаввур .....	75
Меҳмон келди .....	76
Ҳожилар .....	77

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6 Марҳабо (Каримова).

M29

Қўшнижоним, айланай: шеърый тўплам/  
Марҳабо (Каримова). - Тошкент: Yurist-media  
markazi, 2012 йил, - 80 бет.

ISBN 978-9943-387-38-6

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

## МАРҲАБО

### ҚЎШНИЖОНИМ, АЙЛАНАЙ

*Шеърлар*

Муҳаррир *Адиба Ҳамро қизи*  
Техник муҳаррир *Мухриддин Ҳамроев*  
Мусаввир *Шухрат Одилов*  
Саҳифаловчи *Суннат Пўлатов*  
Мусаҳҳиҳа *Дилшода Аввалбоева*

Нашриёт лицензияси А1 № 092, 16.07.2007 й.

Теришга берилди 03.02.2012 й. Босишга рухсат этилди 07.03.2012 й.  
Таймс Тад гарнитураси. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Шартли босма табағи 5,0.  
Нашриёт босма табағи 3,25. Офсет босма. Адади 1000 нусха. Баҳоси  
келишилган нарҳда. Шартнома № 02-Н/12.

«Yurist-media markazi» нашриёти, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси,  
30-уй. Тел.: 717-76-88. E-mail: yurist-media markazi@inbox.ru.

«Sirius media» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри,  
Бобур кўчаси, 4-уй. Буюртма №16.